

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
АМАЛИЁТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ
БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тартиби бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 176ет.

Ушбу услубий қўлланма касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларига ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, бошқариш ва унга баҳо бериш бўйича амалиётга йўналиш бериш мақсадида ишлаб чиқилган. Қўлланмада амалиётнинг мақсади, мазмуни, турлари, методик асослари ва уни ташкил этишнинг замонавий усуллари ёритилади. Ушбу қўлланма педагоглар ва амалиёт раҳбарлари учун ишлаб чиқариш амалиётини самарали ва тизимли тарзда ташкил этишда ёрдам беради.лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025 йил

МУНДАРИЖА

<i>Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....</i>	<i>4</i>
<i>Умумий қоидалар.....</i>	<i>5</i>
<i>Амалиётни ташкил этиш ва ўтказишни ташкил этиш тартиби.....</i>	<i>8</i>
<i>Корхона (ташкилот), касбий таълим ташкилоти ва ўқувчиларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари.....</i>	<i>9</i>
<i>Амалиётни якунлаш.....</i>	<i>12</i>
<i>Илова.....</i>	<i>13</i>

Фойдаланилган норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

*Ўзбекистон Республикасининг "Таълим
тўғрисида"ги Қонуни*



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил
16 октябрдаги «Касбий таълимда малакали кадрлар
тайёрлаш тизimini янада такомиллаштириш ва
халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-
тадбирлари тўғрисида» ПФ-158-сон Фармони*



*Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 3 январдаги " Касбий
таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш
амалиётини ташкил этиш тизimini янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги
14-сон қарори*



УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан олинган билимларни мустаҳкамлаш, эгалладиган касб (мутахассислик) бўйича зарур кўникмаларга ва амалий иш тажрибасига эга бўлиш амалиётнинг мақсади ҳисобланади.

Касбий таълим ташкилотлари томонидан амалиёт дастурлари тегишли корхоналар (ташкилотлар) билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Амалиёт касбий таълим ташкилоти ва ўқувчилар таълим олаётган касбга (мутахассисликка) мос корхоналар (ташкилотлар) ўртасида тузиладиган шартнома асосида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги белгиланган тартибда шартнома шакли ҳамда ўқувчиларнинг амалиёт кундалиги намунасини тасдиқлайди.



АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Амалиёт — назарий таълим бериш жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, эгалланадиган касбга (мутахассисликка) тегишли бўлган касбий билим ва кўникма эга бўлиши учун ўқув жараёнининг амалий қисмини корхоналарда (ташкилотларда) ўтказиш жараёни

i **Амалиёт раҳбари** — ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш, уларни корхоналарга (ташкилотларга) амалиёт учун жойлашиши, амалиёт дастурига риоя этилиши, амалиёт ҳисоботлари тайёрланиши ва юритилиши, корхонадан (ташкилотдан) ўқувчилар учун масъул ходим бириктирилиши каби масалаларни мувофиқлаштирувчи касбий таълим ташкилоти ходими

Корхона (ташкилот) — касбий таълим ташкилоти билан ўқувчилар амалиётини ташкил этиш бўйича шартнома тузган юридик шахс

Шартнома — корхона, олий таълим ташкилоти ва талаба ўртасида дуал таълимни амалга ошириш учун тузилган уч томонлама битим.



АМАЛИЁТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Касбий таълим ташкилоти ва корхона ўртасида шартнома амалиётдан камида уч ҳафта олдин расмийлаштирилади;

Амалиётни ташкил этиш бўйича масъул касбий таълим ташкилоти директори ҳисобланади;

Касбий таълим ташкилоти директори амалиёт бошланишидан камида икки ҳафта олдин буйруқ қабул қилади;

Амалиётни ташкил этишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик чоралари кўрилади;

Амалиётнинг дастлабки кунида ўқувчиларга меҳнат қоидалари ва бажариладиган ишлар тушунтирилади;

Амалиётнинг ҳафталик юкламаси 36-40 академик соатни ташкил этади;

Сиртқи таълимдаги ўқувчилар иш фаолияти билан шуғулланса, амалиётдан озод этилади;

1. Амалиётда иш жойи мавжуд бўлса, қўшимча шартнома тузилиши ва иш хаки тўланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳар йили 1 октябрга қадар «Ягона миллий меҳнат тизими» орқали касбий таълим ташкилотлари ва корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш амалиёти учун шартномалар тузишни ташкил этади

КОРХОНА (ТАШКИЛОТ), КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ВА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА МАЖБУРИЯТЛАРИ

КОРХОНА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- Олий ўқувчиларнинг амалиётни ўташ вақтида корхонанинг (ташкilotнинг) ички меҳнат тартиб қоидаларига амал қилиши юзасидан огоҳлантириш;
 - Корхонанинг (ташкilotнинг) ички меҳнат интизомини бузган ўқувчилар ҳақида амалиёт раҳбарини хабардор қилиш;
 - Амалиёт жараёнларини сифатли ташкил этиш бўйича касбий таълим ташкilotларига таклифлар бериш;
 - Бир нечта касбий таълим ташкilotлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Корхона (ташкilot) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

КОРХОНА ҚУЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:

- Ўқувчиларни ишлаб чиқариш бинолари, тренинг кабинетлари, материаллар, асбоб-ускуналар ва техник ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш;
- Ўқувчиларни корхонанинг (ташкilotнинг) ички тартиб-қоидалари, тиббий (санитария) ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари, шунингдек бошқа талаблар билан таништириш;
- Ўқувчиларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, махсус кийим, ишлаб чиқариш воситалари ва хомашё билан таъминлаш;
- Ўқувчиларнинг кундалигини назорат қилиш;
- Касбий таълим ташкilotи билан биргаликда амалиёт натижалари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;
- Ўқувчилар амалиёт даврида бахтсиз ҳодисаларга дуч келса, қонунчилик асосида масъуллиқни ҳал қилиш чораларини кўриш;

- Корхонага (ташкilotга) қонунчиликка асосан бошқа мажбуриятлар юкланиши мумкин.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ АМАЛИЁТНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- Амалиёт жараёнларини сифатли ташкил этиш юзасидан корхонага (ташкilotга) таклифлар бериш;
- Амалиёт жараёнини ўтказиш учун тузилган шартномаларга томонлар билан келишган ҳолда ўзгартиришлар киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз номидан юридик шахслар билан ваколати доирасида ўқувчилар амалиётини ўтказиш бўйича шартномалар ва бошқа ҳужжатлар тузиш.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ АМАЛИЁТ ДАВРИ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:

- Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, жиҳозлари, мосламалари ва бошқа меҳнат анжомларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини тушунтириш;
- Хомашё материаллари ва электр энергиясининг тежамли сарфланишини таъминлаш;
- Корхонанинг (ташкilotнинг) маъмурий ва ишлаб чиқариш ходими кўрсатмалари ва фармойишларини бажариш;
- Ўқувчилар ва амалиёт раҳбарлари фаолиятини ҳамда ўқувчилар кундалиги юритилишини тизимли назорат қилиш;
- Касбий таълим ташкilotига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

ЎҚУВЧИЛАР ҚҲЙИДАГИ ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА:

- Амалиётда қатнашиш;
- Амалиётни ўташ жойи, режа-жадвали, дастури ва тартиби билан олдиндан танишиш;
- Корхонадаги (ташкilotдаги) меҳнат ва жамоат ишларида қатнашиш;
- Корхона (ташкilot) ва касбий таълим ташкilotига амалиётни ўтказиш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда тегишли таклифларини билдириш;
- Ўқувчилар амалиёт ўташ учун ўз касби (мутахассислиги) бўйича бошқа ихтиёрый корхонани (ташкilotни) танлаш ҳуқуқига эга бўлиб, Низомда белгиланган амалиётни ташкilot этиш билан боғлиқ барча жараёнларни бажариш.

ЎҚУВЧИЛАР ҚҲЙИДАГИЛАРГА МАЖБУР:

- Амалиёт дастурида назарда тутилган барча топшириқларни белгиланган муддатларда, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажариш;
- Амалиёт кундалигини ҳар куни юритиш;
- Амалиёт раҳбари ва устоз томонидан берилган топшириқларни бажариш;
- Корхонанинг (ташкilotнинг) ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя қилиш;
- Касаллиги туфайли амалиётга қатнаша олмаган тақдирда, тиббий муассасадан уч иш куни ичида маълумотнома тақдим этиш;
- Амалиёт якуни бўйича ҳисобот топшириш.

АМАЛИЁТНИ ЯКУНЛАШ

- ❖ Корхонада (ташкilotда) амалиётни ўташда ўқувчилар томонидан амалиёт кундалиги юритилади
- ❖ Кундалик касбий таълим ташкilotи томонидан тасдиқланган ҳолда берилади ва ўқувчи амалиёт ўташ даврида кундаликка амалиёт дастури асосида кунлик бажарган ишлари ва мустақил иш топшириғи бажарилиши тўғрисида қисқача маълумотларни ёзиб боради;
- ❖ Ўқувчилар амалиёт якунида амалиёт кундалигини корхонадан (ташкilotдан) бириктирилган устозга имзолатиб, уч иш кунида амалиёт раҳбарига топширади;
- ❖ Амалиёт якунида амалиётни тўлиқ ўтаган ўқувчиларга корхона (ташкilot) томонидан амалиёт ўтаганлиги тўғрисида тавсифнома берилади;
- ❖ Ўқувчилар томонидан амалиётни ўташ жараёнида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий кўникмалари касбий таълим ташкilotининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари ҳамда иш берувчиларнинг вакиллари раҳбарлигида 3-5 нафар аъзолардан иборат (ҳар бир гуруҳ учун) алоҳида ишчи гуруҳ томонидан баҳоланади;
- ❖ Ўқувчиларнинг амалиёт кундаликлари ва ҳисоботлари амалиёт раҳбари томонидан касбий таълим ташкilotининг архивига топширилади. Амалиёт кундаликлари ва ҳисоботлар уч йил муддатгача касбий таълим ташкilotининг архивида сақланади.

Касбий таълим ташкилотлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилган корхоналар (ташкилотлар) билан касбий таълим ташкилотлари ўқувчилари ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ юзасидан шартномалар тузиш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўяди.	Ҳар йили 1 октябрга қадар
2-босқич	Касбий таълим ташкилоти	1. Амалиётни ташкил этиш бўйича корхона (ташкилот) билан шартнома тузади. 2. Амалиётни ўтказиш ва амалиёт раҳбарини бириктириш бўйича буйруқ қабул қилади. 3. Ўқувчиларни амалиёт кундалиги билан таъминлайди ва амалиёт жараёнларини мониторинг қилади.	Амалиёт бошланишидан камида уч ҳафта олдин Амалиёт бошланишидан камида икки ҳафта олдин Белгиланган муддатларда
3-босқич	Корхона (ташкилот)	1. Малакали мутахассисларни ўқувчиларга «устоз» сифатида бириктиради. 2. Ўқувчиларни корхонанинг (ташкилотнинг) меҳнатни муҳофаза қилиш ва ички меҳнат тартиби билан таништиради ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва махсус кийим-кечак билан таъминлайди.	Амалиёт бошланишидан икки ҳафта олдин Амалиётнинг дастлабки кунида
4-босқич	Ўқувчи	1. Корхонада (ташкилотда) амалиёт ўтайди ҳамда амалиёт кундалигини тўлдириб боради.	Белгиланган муддатларда

		2. Амалиёт якуни бўйича ҳисобот ва амалиёт кундалигини амалиёт раҳбарига топширади.	Амалиёт якунидан сўнг уч иш кунида
5-босқич	Корхона (ташкилот)	Ўқувчи амалиёт жараёнларида тўлиқ қатнашган тақдирда, тавсифнома беради.	Амалиёт якунида
6-босқич	Касбий таълим ташкилоти, корхона (ташкилот)	Ўқувчилар томонидан амалиётни ўташ даврида бажарилган ишларнинг натижалари ва уларнинг эгаллаган амалий кўникмаларини баҳолайди.	Амалиёт якунида

ҚАЙДЛАР УЧУН

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal black ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page, typical of notebook paper or a template for handwriting practice. There are no margins, text, or other markings on the page.